

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди

№_____

20____ йил

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта маҳсус таълим вазирининг
201____ йил “___” _____ даги
“___” сонли буйруғи билан
тасдиқланган.**

“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаши ва малака ошириши ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2015 йил 16 июлдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.*

- Тузувчилар:
- “Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”
модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ю.ф.н., доц. В.Топилдиев.
- “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модули : п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, п.ф.н., доц. М.Усманбаева, А.Исянова.
- “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н., доц. Х.Холмедов, ф-м.ф.н., доц. Д.Иргашева, кат. ўқит. В.Ҳамидов.
- “Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари, кат. ўқит. У.Гиясова.
- “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари”
модули: с.ф.д., проф. С.Жўраев, т.ф.д., проф. С.Абдурахимов, п.с.ф.н. Х.М.Алимов.
- Маҳсус фанлар бўйича:** и.ф.д., проф. А.В. Вахабов, и.ф.д., проф. Т.Ш. Шодиев, и.ф.д., проф. Т.С. Расулов.
- Тақризчилар: и.ф.д., проф. Ш.Ш. Шодмонов, и.ф.д., проф. Р.Х. Алимов.

Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг қарори билан тасдиқка тавсия қилинган (2015 йил 29 июндаги 10-сонли баённома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмuni олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини кўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

- 2.1. Инновацион таълим технологиялари.
- 2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.
- 2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

III. Таълим жараённада ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

- 3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.
- 3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Тизимли таҳлил асослари.
- 5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

VI. Махсус фанлар

- 6.1. Макроиктисодий сиёsat ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш.
- 6.2. Замонавий эконометрик моделлар.
- 6.3. Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, қўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қўйидагилар киради:

“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, қўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизmlарини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

максус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Максус фанлар бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- иқтисодий қонуниятларни ўрганишда эконометрик инструментарийларини;
- иқтисодий ислоҳотларнинг мазмуни, босқичлари, асосий йўналишлари ва бозор иқтисодиётига ўтиш моделлари хусусиятларини;
- эконометрик усуллар ва моделлар турларини;
- эконометрик моделлар тузиш тамойилларини;
- барқарор иқтисодий ўсиш индикаторларини прогнозлаш усуллари ва моделларини;
- молия, суғурта, қимматли қофозлар бозорининг эконометрик прогнозлаш усулларини;
- эконометрик моделларни тузишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни;
- мутахассислик фанларини ўқитишдаги илғор хорижий тажрибаларни;
- иқтисодиётнинг янги назарияларини;
- макроиқтисодий барқарорликка эришиш йўлларини;
- иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришдаги ўзгаришларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- макроиқтисодий индикаторларни прогнозлаш;
- эконометрик моделларни иқтисодий жараёнларда қўллашни;

- миллий иқтисодиётнинг узоқ муддатга ривожланиш сценарийларини тузишни;
- эконометрик моделлар ёрдамида барқарор иқтисодий ўсиш омилларини аниқлаш;
- корхоналарда бизнес-жараёнларини моделлаштириш ва бизнеснинг янги моделларини ишлаб чиқиш;
- банк бизнесида даромадлилик ва таваккалчилик нисбатларини кўп вариантли альтернатив моделларини ишлаб чиқиш;
- аграр соҳа кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш;
- истеъмолчилар танловини эконометрик моделлаштириш;
- Миллий иқтисодиётнинг амал қилиши ва ривожланиши қонуниятларини билишга таяниб иқтисодий жараёнларни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш;
- макроиктисодий кўрсаткичлар асосида иқтисодий жараёнлардаги ўзгаришларни таҳлил қилиш орқали такомиллаштириш бўйича мустақил қарорлар қабул қилиш;
- банк фаолиятини таҳлил қилиш, банк хизматлари ва маҳсулотлари бозори муаммоларининг асосий иқтисодий талабларини ифодалаш каби **кўникумаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда иқтисодий қонунлар, илмий тушунчаларни (категорияларни) ечимлар қабул қилишда ишлата олиш;
- иқтисодий жараёнларни эконометрик таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини ва иқтисодий ривожланишини таҳлил қилишда Кобба-Дуглас ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланиш;
- инновацион ривожланиш жараёнларини тадқиқ қилишда эконометрик моделлар тизимидан фойдаланиш;
- иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикаси макроиктисодий сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини билиш ва макроиктисодий даражадаги вазиятларда ечимлар қабул қилиш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- жаҳондаги ижтимоий-иктисодий жараёнларни чуқур таҳлил этиш ва олинган хулосаларини кенг жамоатчиликга тушунтириб бериш ҳамда иқтисодиёт соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- макроиктисодий кўрсаткичларни тизимли равищда таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликга тушунтира олиш;
- эконометрик таҳлиллар асосида тармоқлар ва корхоналар ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;

- тузилган эконометрик моделларни тармоқлар ва корхоналар фаолиятига қўллаш;
- оптимал бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- тармоқлар ва корхоналар иқтисодий ривожланиш сценарийларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- реал сектор тармоқлари ва корхоналарининг фаолиятини таҳлил қилиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш, корхоналарни инновацион ва стратегик ривожлантириш **компетенцияларига** эга бўлиши лозим.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

“Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив хуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанизмнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” ва бошқа асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган маъruzаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-хуқуқий хужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-хуқуқий хужжатларнинг ишлаб чиқиши ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий хужжатлар.

II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойихалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, табақалаштирилган ўқитиши ҳамда интерфаол таълим методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойихаларини ишлаб чиқиши, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш. Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкини яратишига қўйиладиган дидактик талаблар.

2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмuni. Педагогнинг психолоғик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шаротида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиши), case study (кейс

стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Талабалар билимини баҳолашнинг ассесмент технологиялари.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиши методлари.

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурий таъминоти. Мультимедиа компонентларини солиштириш. Сақловчи технологиялар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳрирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишида электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиали маъruzалар категориялари, Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш боскичлари. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очиқ курслар (Soursera, edX, Khan akademiyasi, MIT Open Course Ware).

3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Zyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулокот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини

шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мұхитида педагогик жараённи лойихалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг мазмуни. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиятли-иммитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот мұхити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиши, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантериш усуллари.

Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиши, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Тизимли таҳлил асослари.

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услуг ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда микдорий ва сифат ёндашуви.

Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

Комплекс қарорлар чиқаришда тизимли таҳлил хусусиятлари. Қарорлар қабул қилишнинг асосий қоидалари ва таснифи. Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилиш босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Ўқув жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

VI. Maxsus фанлар

6.1. Макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш.

Президентимиз И.А.Каримов асарлари ва маъruzаларида макроиқтисодий сиёсат ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш фанининг бойитилиши ва уларни ўрганишнинг илмий-услубий аҳамияти. Бозор иқтисодиётiga ўтиш даври ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари. Бозор иқтисодиётiga ўтишнинг миллий моделлари. Иқтисодий ислоҳотларнинг босқичлари ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари. Талаб, таклиф ва рақобат, истеъмол, жамғарма ва инвестициялар. Ўзбекистонда инвестицион фаолиятни таъминлаш ва унинг шартшароитлари. Иқтисодиётнинг цикллиги. Бандлик ва ишсизлик. Пул-кредит ва валюта тизимининг бозор иқтисодиётидаги роли. IS – LM моделида бюджет-солиқ ва пул кредит сиёсати. Ўзбекистонда миллий валютани мустаҳкамлаш сиёсатининг амалга оширилиши. Халқаро молия институтларининг иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли. Монополияга қарши сиёсат ва рақобат муҳитини ривожлантириш. Хусусий мулкчиликнинг институционал механизмларини такомиллаштириш. Худудлар ривожланишининг стратегик йўналишлари.

6.2. Замонавий эконометрик моделлар.

Эконометрик моделлаштириш асослари Эконометрик моделлардаги ўзгарувчилар. Эконометрик тенгламалар тизими. Эндоген ва экзоген омиллар. Эконометрик моделларни тузишга бўлган талаблар.

Ковариация коэффициенти ва уни ҳисоблаш усули. Корреляция коэффициентини ҳисоблаш услуби ва ўзгариш интерваллари. Корреляция коэффициентини аҳамиятини Стьюодент мезони бўйича баҳолаш. Регрессия коэффициентларини “Энг кичик квадратлар усули” ёрдамида ҳисоблаш. Чизиқли ва чизиқсиз кўп омилли регрессион боғланишлар. Эластиклик коэффициентларини ҳисоблаш.

Эконометрик моделларни баҳолаш. Автокорреляцияни пайдо бўлиши сабаблари ва бартараф этиш йўллари.

Вақтли қатор тузилиши: циклик компонента, мавсумий компонента ва қолдиқ компонента. Аддитив ва мультиплекатив моделлар. Вақтли қаторларни текислаш усуллари: ўртача сирғалувчилар, адаптив ўртачалар, экспоненциал текислаш.

Тенгламалар тизими кўринишидаги эконометрик модель. Тенгламалар тизими параметрларини бавосита ва умумлаштирилган “Энг кичик квадратлар усули” ёрдамида ҳисоблаш услубиёти.

Ишлаб чиқариш функциялари. Кобба-Дуглас функцияси. Ишлаб чиқариш функцияси харakterистикалари.

Иқтисодий кўрсаткичларни прогнозлашда эконометрик моделлардан фойдаланиш. Прогнозлаш функциялари. Прогнозлаш усуллари: эксперт баҳолаш, экстраполяция, тренд, имитацион, сценарий. Эконометрик тенгламалар тизими ёрдамида прогнозлаш усули.

6.3. Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти.

Инновацион ривожланишнинг моҳияти, асосий тушунчалар ва бошқариш механизми. Инновацион жараён моделлари ва қонуниятлар. Илмий техника тараққиётини бошқаришнинг ҳуқуқий асослари ва давлат сиёсати. Ўзбекистонинг миллий инновацион тизими. Интеллектуал капитал. Интеллектуал мулкни шакллантириш, унинг ҳуқуқий муҳофазаси, ҳимоясини таъминлаш ва бошқариш. Илмий техника ишланмаларини тижоратлаштириш стратегияси. Илмий кашфиётлар, ихтиrolар ва лицензиялаш. Патентлар ва патент ахборотларини излаш. Саноат намуналари. Бренд ва селекция ютуқлари инновацион ривожланиш обьекти сифатида. Инновацион фаолият ривожланишида ахборот-коммуникацион технологияларнинг ўрни. Корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш тизими. Инновацион соҳада кадрларни бошқариш механизми. Инновацион лойиҳалар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш. Халқаро миқёсда инновацион технологияларни трансфер қилиш. Замонавий инновацион стратегиялар ва инновациялар маркетинги.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очиқ маъruzалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг мухокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (ложиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (ложиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Силлабус;

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илфор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

Адабиётлар

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А. Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А. Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.: «Маънавият”, 2008. -176 б.
4. И.А. Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzasi. - Т.: Ўзбекистон, 2010. – 566.
5. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
6. И.А. Каримов. 2012 йил Ватанимиз тарақиётини янги босқичга кўтариладиган йил бўлади. 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза. -Т.: “Ўзбекистон”, 2012. -36 бет.
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз - кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.-Т: Ўзбекистон, 2013. – 64 б.
8. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013-йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzasi. Халқ сўзи, 2014 йил 18 январь.
9. “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzasi.

II. Норматив-ҳуқуқий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва

юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

Ш. Махсус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ,2010. 662с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers*- 2-том. CD ва DVD материаллари, Тошкент.: 2008.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
6. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саттаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011. – 182 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебъод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истебъод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие.М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002.-336с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000. - 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса», 2000.–176 с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулокоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.

14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. - Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
16. Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: «Шарқ», 2013. – 480 бет.
17. Жўраев Т.Т., Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. -Т.: “Фан ва технологиялар”, 2014. – 420 бет.
18. Вахабов А.В., Расулов Т.С. Валюта муносабатларининг назарий асослари. Ўқув қўлланма. -Т.: Фан ва технологиялар, 2013. – 380 бет.
19. Egamberdiyev F.T., Topildiyev S.R., hamroqulov J.X. Iqtisodiyot nazariyasi. O’quv qo’llanma. -Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2014, -224 б.
20. Самуэлсон Пол Э., Нордхаус Вильям Д. Экономика.Учебник. 18-е изд.: Пер с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2009. – 1360 стр.
21. Мишкин Ф. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Учебник. 17-изд. - М.: ИНФРА-М, 2014. – 816 стр.
22. Абдуллаев О.М., Ходиев Б.Ю., Ишназаров А.И. Эконометрика. Учебник. –Т.: Fan va texnologiya. 2007. – 612 с.
23. Доугерти К. Введение в эконометрику: Учебник. -М.: ИНФРА-М, 2005. –452 с.
24. Елисеева. И.И., Курышева С.В. и др. Эконометрика: Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2007. –260 с.
25. Maxmudov E.X. Korxona iqtisodiyoti. O’quv qo’llanma. – Т.: O’zbekiston yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg’armasi nashriyoti, 2005. – 170 bet.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.
2. www.press-service.uz - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.
3. www.aza.uz - Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
4. www.ziyonet.uz
5. www.edu.uz
6. www.mfer.uz
7. www.cer.uz
8. www.tdiu.uz
9. www.lex.uz
10. www.stat.uz
11. www.mf.uz
12. www.soliq.uz
13. www.infocom.uz - Infocom.uz электрон журнали.
14. <http://learnenglishkids.britishcouncil.org/en/>
15. <http://learnenglishteens.britishcouncil.org/>
16. <http://learnenglish.britishcouncil.org/en/>